O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 25-noyabr • Seshanba • 139 (27.944) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Наманган. Шаҳардаги «Турбопласт» хусусий корхонасида замонавий технология асосида пенопластдан қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва қандолатчилик учун зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Мутахассислар таъкидлашича қурилиш соҳасида бундай материалдан фойдаланиш вақтни икки-уч баробар тежаш билан бирга зилзилага чидамлилик кўрсаткичини ошириш имконини беради.

— Ўтган олти ой ичида 24 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди корхона раҳбари А.Сатторов. — Турли қалинликдаги пенопласт листлар, қишда совуқдан, ёзда иссиқдан сақловчи девор ва том ёпқичлари, пол тўшамалари, хоналар шифтларини безаш учун қоплама ва карнизлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун пластмасса қутилар, музқаймоқ ва тортлар учун контейнерларда қўл келади..

Корхона вакиллари яқинда бўлиб ўтган республика саноат ярмаркаси ва кооперацион биржасида 20 турга яқин маҳсулот билан қатнашиб, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Совпластитал», «Ройсон»», «Фотон», «Водий ширинликлари», «Супер голд» каби корхоналар билан 500 миллион сўмлик шартнома имзолашга муваффақ бўлди.

Яқинда бу ерга яна бир янги технологик линия келтирилди. У ишга туширилгач, икки томони тунука билан қопланган ўртаси пенопластли «сендвич панел» ҳамда девор орасида иссиқликни тутиб турувчи термоизоляцияли опалубкалар(таянч) ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Корхонада шунингдек, жаҳон стандартлари асосида кўчма уй ва гаражлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Суратларда: *корхонанинг илғор ишчиси О.Мухибуллаев; қизғин иш лаҳзаларидан лавҳа.*

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

✓ Конституция — ҳуқуқ, қадр, шаън

ТАРАҚҚИЁТ, ТИНЧЛИК ВА ТОТУВЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Конституция миллий ҳуқуқий қадрият сифатида жамият ва давлат ҳаётида ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашнинг муҳим пойдевори ҳисобланади. Қомусимиз, энг аввало, миллий ўзликни англаш, ҳур ва озод Ватанни барпо этишнинг ҳуқуқий асосини яратди. Конституциявий ҳуқуқий асос халқимизнинг хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, унинг олий манфаатларини ифода этиш имконини бермоқда.

Бош қонун нормаларини ижтимоий ҳаётда қарор топтириш Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашга бевосита алоқадордир. Конституциямизнинг 15-моддасига кўра, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Конституциявий нормаларнинг аҳамиятли жиҳати яна шунда намоён бўладики, унинг нормаси тўғридан-тўғри амал қилади. Яъни, у ҳуқуқни қўллаш амалиётида устувор қўлланиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасига мувофиқ, мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. Ўз навбатида, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келмаслиги керак. Бу норма унинг норматив-ҳуқуқий тизим оиласида етакчи мавқега эгалигининг яна бир исботидир..

Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эгалиги ва республикамизнинг барча ҳудудида қўлланилиши ўз ифодасини топган.

Конституция ва қонунларнинг устунлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки, қонун ҳужжатини яратмасдан туриб, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди. Ёки аксинча, ҳуқуқни қўллаш учун қонун ҳужжати мавжуд бўлиши оддий ҳақиқатдир. Ҳуқуқни қўллаш фаолияти қонунни татбиқ этувчи субъектлар ҳужжати асосида амалга оширилади. Конституция нафақат ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг устувор қонун ҳужжати, балки тизимлаштирилган нормаларни ижро қилишнинг мукаммал қомусий асоси ҳамдир. Ўз навбатида, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан конституциявий нормаларнинг ижроси таъминланиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шартидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий тараққиёт йўлимизни белгиловчи халқчил Қомус сифатида халқ ҳокимиятчилигининг негизларини белгилаб берди. Унда давлат ҳокимиятининг тизими белгиланганлиги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва қоидаларига мос келибгина қолмай, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг анъаналари ҳамда миллий ҳуқуқий қадриятларимизни ҳам акс эттирганлигини алоҳида қайд этмоқ лозим.

Чунончи инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида Конституцияда кафолатланганлиги фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқаришга шарт-шароитларни яратди. Эътиборли жиҳати Конституциямиз нафақат демократик ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаш ва амалга оширишнигина эмас, балки уни ҳимоя қилишни ҳам кафолатлайди. У ижтимоий ҳаётда адолат ва қонунийлик принципларининг тантанасини таъминлашда устувор қонун ҳужжати вазифасини бажармоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократик қадриятларни ва ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини ҳамда тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашда олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Бош қомусимиз — тараққиёт, тинчлик ва тотувликнинг ҳуқуқий пойдевори ва гарови ҳамдир.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
юридик фанлари доктори, профессор

✓ Фракция фаолияти

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

2008 йилнинг 9 ойида профицит билан ижро этилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Бу ҳақда молия вазирининг ўринбосари Мўбин Мирзаевнинг маърузаси тингланди.

(Давоми 3-бетда)

ЯНГИ ГАЗ УЗАТИШ ТАРМОҚЛАРИ

Мамлакатимизнинг асосий газ конлари жойлашган Қашқадарёда яна 2 та газ узатиш тармоғи ишга туширилди. «Ҳисорнефтгаз» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси амалга оширган узунлиги 43,5 километр, сиғими 530 миллиметрли қувурлар Нишон конидаги газ йиғиш пунктидан «Шўртан» қурилмасига етиб борди ва 325 миллиметрли қувурлар билан 11 километрли масофадаги Бешкент конига туташтирилди.

Жуда қисқа фурсат — салкам бир ой ичида ишга туширилган ҳар иккала янги газ узатиш тармоқлари туфайли конларда газ узатиш ҳажми бир кеча-кундузда 12,4 миллион кубометрдан 24,5 миллион кубометрга кўтарилди.

(Ўз мухбиримиз)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралда ва 18 июлда бўлиб ўтган мажлисларида белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, техник ва технологик янгилашга доир мақсадли комплекс дастурларини бажариш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириши натижасида 2008 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши таъминланди.

I. Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётнинг изчил ва мувозанатли ўсиш суръатларини таъминлаш

Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиши 9,4 фоизни, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари эса 12,4 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, истеъмол товарлари — 18,4 фоиз; қурилиш ишлари — 8,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 4,1 фоиз, чакана савдо айланмаси — 15 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш — 19,3 фоиз ортди.

Давлат бюджети 1,9 фоиз профицит билан бажарилди. Аҳоли жон бошига реал пул даромадлари 22,4 фоиз кўпайди. Иқтисодий тараққиётнинг асосий омиллари сифатида қуйидаги соҳаларнинг изчил ривожланишини қайд этиш мумкин:

ташқи савдо, энг аввало, экспорт фаолияти. Ташқи савдо айланмаси 40,9 фоиз, шу жумладан, экспорт — 62,9 фоиз ортди. Тўлов балансининг ижобий сальдоси қарийб 4,5 млрд. долларни ташкил этди;

инвестиция сиёсати иқтисодиётнинг реал секторидаги таркибий ўзгаришларнинг изчиллигини ва ўзлаштирилган инвестицияларнинг 22,4 фоиз ортишини таъминлади;

кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг ривожланишига бизнесга солиқ юкини ва маъмурий таъсирни камайтириш ҳисобидан эришилди. Натижада микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича тушумлар ўтган йилдагига нисбатан 38,8 фоиз, фойда солиғи бўйича — 41,7 фоиз ортди.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари
(2007 йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2008 йилнинг 9 ойи
Ялпи ички маҳсулот	109,4
Саноат маҳсулотлари ҳажми	112,4
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	118,4
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	104,1
Асосий капиталдаги инвестициялар	122,4
Қурилиш ишлари	108,4
Чакана савдо айланмаси	115,0
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	119,3

(Давоми 2-бетда)

✓ ЎзХДП ҳаёти

«МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ...»

партиямизнинг Зарбдор туман кенгаши томонидан ўтказилаётган йиғилишларда кўплаб сафдошларимиз партия фаолиятини янада яхшилашга доир таклиф ҳамда ташаббуслар билан чиқмоқдалар

Хўш, айтилган таклифлар, ўртага ташланган ташаббуслар нималардан иборат, улар шу залнинг ўзида, қоғозларда қолиб кетмаяптими?

— Аслида, партиямиз аъзоларидан қанча киши сўзга чиққани эмас, балки уларни нималар ўйлантираётгани, қандай масалалар ўртага ташланаётгани, партия фаолиятини янада кучайтириш, унинг асоси бўлган бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш юзасидан қандай таклифлар айтаётгани муҳим, — дейди туман кенгаши раиси. Алиқобул Усканов. — Партия ишига дахлдор ҳар қандай таклиф ва ташаббус изсиз қолмайди.

2-бет

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ҳар бир нашрнинг ўз йўналиши, ўз услуби, ўз айтар сўзи бор.

ЎзХДП ғоялари, партия ташкилотлари илғор иш тажрибалари, партия электорати манфаати ҳимояси, депутатлар фаолияти, янги қонунларга шарҳлар, турли ижтимоий масалалар ва уларнинг ечимлари... Булар «Ўзбекистон овози»нинг асосий мавзулари ҳисобланади.

Шунингдек, таълим ва тиббиёт ходимлари, ёш истеъдодлар фаолияти, маданият ва маърифат, маданият ва спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Фуқаролар ариза ва шикоятлари асосида тайёрланаётган таҳлилий-танқидий мақолалар...

Хуллас, қувонч ва ташвишларингизга шерик бўлишга, Сизга суянч бўлишга, мамлакатимиз ва дунёдаги воқеалардан сизни ўз вақтида огоҳ этишга ҳаракат қиляпмиз.

Янги йилда янги мавзуларни танлашда Сиз, азиз газетхонлар таклифларига таянамиз албатта. Сиз бизни қўллаб-қувватлайсиз ва ҳамкорликни давом эттирасиз деб ўйлаймиз.

Обуна муддати тугашига оз фурсат қолди.

БУГУНГИ СОНДА:

• РЕЖАДАН ВОЗ КЕЧИШ ИМКОНИЯТИ 3

Россия президенти Дмитрий Медведев Американи янги сайланган президенти Барак Обаманинг Шарқий Европада ракетадан мудофаа элементларини жойлаштириш масаласига муносабатини маъқуллади деб, хабар қилади «Новости» РАА.

• ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ 4

Бугун Самарқанд вилоятида 1216 та умумтаълим мактаби, махсус ихтисослашган иқтидорли мактаб, мактаб-интернат ҳамда Меҳрибонлик уйлари фаолият кўрсатмоқда.

INTER PRESS
INTER-PRESS ОБУНА
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ КИТОБЛАР, ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР
119-0000, 119-8383, 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13, e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

II. Таркибий ўзгаришларни давом эттириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш

Жорий йилнинг 9 ойи давомида **Инвестиция дастурининг** бажарилиши таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизациялаш ва технологик янгилашда муҳим омил бўлди. Ҳисобот даврида барча молия манбалари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 5809,8 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан солиштирма нархларда 22,4 фоиз ўсди.

Дастурнинг ҳисобот давридаги ижроси барча йўналишларда — бюджет маблағлари бўйича ҳам, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари бўйича ҳам таъминланди.

969,6 млн. доллар ҳажмида чет эл инвестициялари ўзлаштирилди, жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар — 721,66 млн. долларни ташкил этди. Уларнинг ўсиши тегишли равишда 37,4 ва 33,5 фоизни ташкил этди. Хорижий инвестициялар умумий ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар миқдори 74,4 фоизни ташкил этди. Жалб этилган чет эл инвестицияларининг умумий ҳажмидан 31,6 фоизи — янги қурилишларга, 39,8 фоизи — модернизация ва реконструкция ишларига ва 28,6 фоизи — бошқа йўналишларга жалб этилди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 125,9 млн. доллар ҳажмида кредитлар ажратилди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,3 баравар кўпдир.

2007 йилнинг шу давридагига нисбатан корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларига ажратилган маблағлар 16,6 фоиз, банк кредитлари — 81,8 фоиз, аҳоли маблағлари — 15,6 фоиз кўпайди. Капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмидан ишлаб чиқариш қурилишига инвестицияларнинг 71,1 фоизи (2007 йилнинг 9 ойида 67 фоиз), шу жумладан, модернизация ишларига 36,6 фоизи йўналтирилди. Ишлаб чиқариш иншоотлари қурилишининг ўсиши саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш дастурларининг ижроси, корхоналарга солиқ юкининг камайтирилиши, иқтисодиётнинг реал секторида қулай сармоявий муҳит яратиш билан бевосита боғлиқ.

Умуман, мамлакатимиз бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомида 284 ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, **озиқ-овқат санотида** — 112 озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш объекти, **енгил ва тўқимачилик саноатида** — ипак толага ишлов бериш, пойабзал, калава ишлаб чиқариш, тўқимачилик, кўнчилик ва гиламдўзлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 39 объект, **қурилиш материаллари саноатида** — девор материаллари, мармар блоклар, шифер, рубероид, полиэтилен қувурлар, пластик ромлар ва эшиклар ишлаб чиқариш бўйича 61 объект, **қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида** — 39 объект, **кимё ва нефткимё саноатида** — 8, **машинасозлик соҳасида** — 5, **фармацевтика соҳасида** — 8 ва бошқа соҳаларда 12 объект фойдаланишга топширилди. Шундан 134 саноат объекти (ёки 47,2 фоизи) республиканинг 69 дотациядаги туманида ишга туширилди. Ҳисобот даврида Қашқадарё вилоятидаги Помуқ конида йилига 3,5 млрд.куб.м. табиий газ қазиб олиш қувватига эга компрессор станцияси, Шўртан конида пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмаси (3- ва 4- навбатлари), Жиззах вилоятида полимер қувурлар ишлаб чиқарувчи «Замонавий полимер қувур» ҚК, Андижон вилоятида «Ёрқишлоқ» АЖ базасида ип-калава ишлаб чиқариш бўйича «Алёртекс» ҚК, Жиззах вилоятида «Мурувваттекс» ХШК, Тошкент вилоятида тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича «Дайшан Мегатекс» ХК (2-босқичи), Навоий вилоятида «Қизилқум Шина» ҚК, Тошкент шаҳрида бензонасослар ишлаб чиқариш бўйича «Toshafus» МЧЖ ҚК, Сирдарё вилоятида мебель ишлаб чиқариш бўйича «Сир Умар Камар» ХИФ, Тошкент вилоятида сутни қайта ишлаш бўйича «Ост-Милч» ҚК ва ҳоказолар ишга туширилди.

Ноишлаб чиқариш объектлари қурилиши ва ижтимоий иншоотларни реконструкция қилишга капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг 28,9 фоизи йўналтирилди. Бу эса 100,5 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган 149 касб-ҳунар коллежи, 13,8 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган 22 академик лицей қурилишини, 210,2 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган 634 мактаб, 184 болалар спорти объекти, 20 қишлоқ врачлик пункти, 6083,4 минг кв.м. турар-жой қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш имконини берди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳисобот даврида **модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларига** киритилган лойиҳаларни амалга ошириш ишлари 531,6 миллион долларга тенг миқдорда молиялаштирилди. 51 лойиҳа, шу жумладан, автомобиль саноатида — 10, енгил саноатда — 15, фармацевтика саноатида — 6, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида — 6, кимё саноатида — 4, пахта тозалаш заводларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича 7 лойиҳа ва металлургия соҳасида 3 лойиҳа якунланди ва фойдаланишга топширилди.

Автомобиллар учун рул чамбараклари, ёқилғи насослари ва тормоз трубкаларини, шунингдек, цемент, шифер, гипсли тош, калава, тўқимачилик маҳсулотлари ва жаккард матолар, дори-дармонлар, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилинди ва янги қувватлари яратилди.

Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратилишини таъминловчи **ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш** бўйича тадбирлар доирасида автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, электр узатиш линияларини ривожлантириш ва темир йўл участкаларини электрлаштириш, сув ва газ таъминоти тизимларини янада яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Ҳисобот даврида узунлиги 117,4 км.га тенг юқори кучланишли «Янги Ангрен ИЭС – Ўзбекистон» линиясининг қурилиши якунланди, бу Фарғона водийсини электр энергияси билан ишончли таъминлаш имконини беради. Юқори кучланишли Сирдарё ИЭС — «Сўғдиёна» ПС, Ғузор — Сурхон линияларини ва Тошкент шаҳри электр таъминоти объектларини қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Узунлиги 2029,4 км.га тенг сув қувурлари ва 631,4 км.газ узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Халқаро ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш **автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш** дастурига кўра, 568 км. автомобиль йўллари ва узунлиги 300,8 погон метрга тенг 9 та кўприк таъмирланди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши натижасида 2187,9 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, бу 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар кўпдир. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш самараси 666 миллион долларни ташкил этди ёки 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 23,3 фоиз ортди. 726,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштириш дастурининг амалга оширилиши натижасида 622 корхонадан 418 тасининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти яхшиланди, 283 корхона ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича ўртача ойлик ҳажмни ўтган йилга нисбатан 20 фоиздан оширди, 116 корхонада реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу корхоналарда 5203 иш жойи яратилди ва тикланди.

Ҳисобот даврида қайта ташкил қилинаётган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватлари асосида 45 та янги корхона ташкил этилди. Қайд этилган корхоналарнинг 106 тасида ишлаб чиқариш фаолияти бошланди ҳамда 6,7 мингдан зиёд киши иш билан таъминланди.

Етакчи тармоқларни техник ва технологик модернизация қилиш чораларини амалга ошириш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарларни ташқи бозорларга олиб чиқиш саноат ишлаб чиқариши ва экспорт ҳажми ўсишининг муҳим омили бўлди.

Саноатда товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 112,4 фоизни ташкил этди. Ўсишнинг энг юқори суръати ёқилғи (122,2 фоиз), машинасозлик ва металлга ишлов бериш (120,8 фоиз), ёғоч, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз (120,4 фоиз), озиқ-овқат (129,9 фоиз) саноатида таъминланди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

(Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фоиз ҳисобида)

Тармоқлар	2007 йилнинг 9 ойи	2008 йилнинг 9 ойи
Саноат, жами	111,9	112,4
шу жумладан:		
электр энергетикаси	100,5	100,6
ёқилғи	110,1	122,2
қора металлургия	109,6	106,0
кимё ва нефть кимёси саноати	118,0	109,5
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	128,1	120,8
ёғоч, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати	128,6	120,4
қурилиш материаллари саноати	114,2	108,6
енгил саноат	111,2	110,0
озиқ-овқат саноати	112,2	129,9
бошқа саноат тармоқлари	119,3	116,7

Йирик корхоналарда юқори кучланишли трансформаторлар, енгил ва юк автомобиллар, автобуслар, дори-дармон воситалари, омухта ем, кўмир ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида экспортнинг ўсиши асосан кимё маҳсулотлари (163,6 фоиз), машина ва жиҳозлар (113,1 фоиз), хизматлар (126,1 фоиз) ва бошқа товарлар ҳамда хизматлар ҳисобидан таъминланди.

III. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш

Хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш жараёнида 2008 йилнинг 9 ойида 232 давлат активи (прогнозга нисбатан 101,3 фоиз), жумладан, биржа савдоларида 57 (24,6 фоиз), биржадан ташқари савдода — 175 (75,4 фоиз) давлат активи сотилди. Сармоядорлар томонидан инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда 46 объект «нолга тенг» қийматда сотилди. Ҳисобот даврида 327 давлат корхонаси мулкчилик шакли ўзгартирилиб, нодавлат шаклга ўтказилди. Уларнинг 98,5 фоизи хусусий мулкдорлар томонидан сотиб олинди.

2008 йилнинг 9 ойи давомида **қимматбаҳо қоғозлар бозорининг** умумий айланмаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,3 баравар ортди, қимматбаҳо қоғозлар иккиламчи бозорининг жами айланмаси 79 фоиз ўсди.

2008 йилнинг 9 ойи давомида Молиябанк тизимини ислоҳ қилиш дастурини амалга ошириш доирасида **бозор инфратузилмасини ривожлантириш** ишлари, шунингдек, суғурта, аудиторлик, лизинг ва баҳолаш компаниялари, кредит уюшмалари ва тижорат банклари фаолиятини рағбатлантириш ишлари давом эттирилди ва булар қуйидаги натижаларга эришиш имконини берди:

ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тижорат банкларининг устав капитали қарийб 2 баравар кўпайди, банк тизимининг барқарорлиги мустаҳкамланди, банкларнинг жами капитали ва иқтисодиётга кредит қўйилмалари тегишли равишда 41,1 ва 27,7 фоиз ошди;

аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари 50 фоиз кўпайди;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар миқдори 40,8 фоиз кўпайди;

суғурта компанияларининг жами устав капитали (сўмдаги қисми) 2,1 баравар, шунингдек, суғурталашнинг барча турлари бўйича суғурта тўловларининг умумий ҳажми 26,7 фоиз ошди;

кўрсатилган аудиторлик хизматларининг умумий ҳажми 1,6 маротаба ошиб, сифати яхшиланди.

Моддий ресурсларни сотиш бўйича бозор механизмларининг жорий этилиши натижасида 2008 йилнинг 9 ойида Ўзбекистон Республикаси товар- хомашё биржасининг умумий товар айланмаси 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баравар ортди.

Мис маҳсулотларини сотиш ҳажми — 2,2 баравар, суперфосфат — 2,1 баравар, пахта линти — 1,9 баравар, карбамид — 1,9 баравар, кўмир — 1,4 баравар, ўсимлик мойи — 1,3 баравар, цемент — 1,2 баравар, суюлтирилган газ — 1,2 баравар ошди. Валюта майдончаси орқали амалга оширилган экспорт ҳажми 1,9 баравар кўпайди.

IV. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида рўйхатга олинган кичик тадбиркорлик корхоналари сони шу йилнинг бошига нисбатан 3,3 фоиз ўсди ва 436,3 мингтани ташкил этди. Бунда саноатда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг умумий сони 2,5 фоиз, қурилишда — 4,6 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида — 4,4 фоиз, транспорт ва алоқа соҳасида — 17,2 фоиз ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида — 7,2 фоиз ошди. Ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 2007 йилнинг шу давридаги 43,1 фоиздан 45,3 фоизга ортди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида **Хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожланиш дастури** доирасида хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишига оид барқарор суръатларни сақлаш, айни пайтда, қишлоқ жойларида унинг кўламини кенгайтириш ишлари амалга оширилди. 8 мингдан зиёд савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш шохобчалари ташкил этилди. Деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш, микрокредит ва истеъмол кредитларини бериш, тўлов тизимини такомиллаштириш чоралари кўрилди. Натижада иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажми 18,5 фоиз ортди, ушбу соҳанинг ЯИМдаги солиштирма салмоғи эса ўтган йилнинг шу давридаги 40,5 фоиз ўрнига 44,9 фоиз ортди. Қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар улуши 23,7 фоиздан 26,5 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида 545,2 мингта **янги иш жойи яратилди** (9 ой бўйича ҳудудий дастурлар кўрсаткичларига нисбатан 107, 2 фоиз), шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида — 303,4 мингта иш ўрни яратилди ва жами яратилган иш жойининг сонига нисбатан 56 фоизни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 188,2 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди (янги иш ўринлари умумий сонининг 34,5 фоизи).

Касаначиликни ривожлантириш асосида корхоналар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш бўйича борилган фаол ишлар натижасида 85,1 мингта иш ўрни яратилди. Шу жумладан, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида 23,2 мингта, бошқа тармоқлардаги йирик корхоналар билан 32,5 мингта ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналари билан 29,4 мингта иш ўринлари ташкил этилди. Умуман, касаначилик орқали қўшимча равишда 182,5 минг киши иш билан таъминланди.

2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, **шахсий томорқасида ва деҳқон хўжаликларида йирик қорамол боқиш билан шуғулланаётган** 1,2 миллиондан зиёд киши рўйхатга олинди.

Меҳнат бозорида олиб борилган фаол сиёсат аҳолининг бандлик даражасини 336,1 минг кишига, ёки 3,1 фоиз ўсишини таъминлади.

V. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар самаралари, аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлаш

Жорий йилнинг 9 ойи давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида узунлиги 10165 километр (9 ойлик топшириққа нисбатан 100,4 фоиз) туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. 168 километр (100,4 фоиз) магистрал ва хўжаликлараро коллекторларни қуриш, реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ихтисослаштирилган пудратчи ташкилотларни техника билан таъминлаш ишлари бажарилди.

2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида **ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти** ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,1 фоизни ташкил этди. Ўтган йилгига қараганда полиз экинлари (118,5 фоиз), картошка (108,6 фоиз), сабзавот (111,5 фоиз), мева (114,2 фоиз), гўшт (106 фоиз), сут (106,2 фоиз), тухум (108,5 фоиз) кўп етиштирилди.

2008 йилнинг 9 ойи мобайнида **шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш, шу соҳадаги сервис хизматлари тармоғини яратиш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш** чоралари амалга оширилди.

Ташкил этилган 166 аукцион пунктида 16036 зотли қорамол сотилди. 18,3 минг оила сигир билан бепул таъминланди. Қорамолларнинг умумий сони 7768,4 минг бошга етди ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,9 фоиз ортди.

2008 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, тижорат банклари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси томонидан 26,7 минг оилага 34 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар берилди, бу прогноз кўрсаткичга нисбатан 136,6 фоизга тенгдир.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари ва бу маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар кооперациясини ташкил этиш дастури доирасида 9 ой давомида қайта ташкил этилган ширкатлар негизида 193 агрофирма тузилди. Натижада мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 54,1 фоиз ортди.

Ҳисобот даврида **аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш** борасида чора-тадбирлар амалга оширилди, натижада деҳқон бозорларининг товар айланмаси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,8 фоиз кўпайди.

VI. Иқтисодиёт тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш

Иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондини, ижтимоий соҳа объектларини ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида 1991 йилгача қурилган 2200 кўп квартирали уй, 150 қозонхона, 239 қозон, 115 км. иссиқлик тармоқлари, 197 км. газ тармоқлари, 166 км. водопровод тармоқлари, 143 мактаб , 225 болалар боғчаси, 64 касалхона капитал таъмирланди, ижтимоий соҳа объектлари тўлиқ ҳажмда кўмир билан таъминланди.

VII. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш

Аҳолининг реал пул даромадлари 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 24,4 фоиз ўсди. Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача иш ҳақи миқдори ҳисобот даври сўнгида 298,6 минг сўмни ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 57,4 фоиз кўпдир, ўртача пенсия миқдори 71,7 фоиз ўсди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган дастурлар натижасида 491,4 минг нафар 9-синф битирувчиси (битирувчилар умумий сонининг 81,4 фоизи) касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни давом эттирмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида янги ташкил этилаётган қишлоқ врачлик пунктлари ҳисобига тизимнинг бирламчи бўғини кенгайтирилмоқда (2007 йилнинг тегишли давридагига нисбатан КВПлар сони 49 тага кўпайди). Бу эса стационар муассасаларнинг самарасиз ўринли фонди харажатларини қисқартириш, уларни марказий туман ва вилоят шифохоналарига тақсимлаш, кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш имконини берди.

Республиканинг ихтисослаштирилган тиббий марказларида қарийб 10 мингга яқин тезкор амалиёт ва диагностика тадбири амалга оширилди, уларнинг 4961 таси (49,7 фоизи) юқори технологиялар асосида бажарилди. Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида Марказий Осиё ҳудудида илк маротаба юрак ритми бузилишини даволашнинг юқори технологияли (катетерли) амалиёти жорий этилди. Ҳисобот даврида 36 та ана шундай амалиёт бажарилди.

Болаларни соғломлаштириш мақсадида 821 соғломлаштириш лагери тайёрланди, уларда 252034 нафар бола ўз соғлигини яхшилади, уларнинг 50 фоизи — кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандларидир. Оролбўйи ҳудудидан 4517 нафар, Когон шаҳридан 2108 нафар бола Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш ишларига 9 ой мобайнида 1103,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг 240 минг нафар битирувчиси иш билан таъминланди. Бундан ташқари, 81,2 минг нафар ёшлар, шу жумладан, Қуролли Кучлар сафидан бўшатилган 12,3 минг киши, 20,2 минг ногирон ишга жойлаштирилди.

Ёшларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан 1,5 минг ёш йигит-қиз учун 2045 млн. сўм микрокредит ажратилди; Микрокредитбанк томонидан 384 ёш тадбиркорга ўз ишини бошлаши учун 517,4 млн. сўмлик кредитлар; 23,8 миллиард сўмлик имтиёзли ва 24,5 миллиард сўмлик ипотека кредитлари; 4 минг ёш оилага қорамол харид қилиш учун 5,6 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Ёш оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида кўп квартирали уй қурилиши учун 45,9 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Қишлоқ жойларида 1200 ёш ўқитувчи оиласига якка тартибда хусусий уй қуриш учун ер участкалари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2008 йил учун белгилаб берилган республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш орқали жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз тобора кучаяётган бир шароитда мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришнинг юқори суръатларини таъминлашга эришилди. Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, иқтисодиётда бозор ислоҳотларини жадаллаштириш, тижорат банкларининг инвестиция жараёнидаги фаоллигини ошириш ва янги иш жойларини яратиш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишни давом эттириш жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирининг олдини олиш, мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори суръатларини сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг фаровонлигини янада ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

«МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ...»

партиямизнинг Зарбдор туман кенгаши томонидан ўтказилаётган йиғилишларда кўплаб сафдошларимиз партия фаолиятини янада яхшилашга доир таклиф ҳамда ташаббуслар билан чиқмоқдалар

Уларни кундалик ишимизда қўллашга, бунинг имкони бўлмаган тақдирда мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этишга ҳаракат қиляпмиз.

Эрмат ЭЛМУРОДОВ, партия фаоли:

— Халқ депутатлари туман Кенгашида депутатлик гуруҳимиз бор. Улар аслида маҳаллий Кенгаш сессияларига турли масалалар тайёрлаш, электоратимиз манфаатларига мос қарорлар қабул қилинишига эришиш ва ижросини таъминлашга масъулдир. Лекин ҳозирча депутатларнинг бу борадаги қатъий хатти-ҳаракатлари, талабчанлигини кўрмаяпмиз. Уларнинг ўз сайловчилари, партиямиз хайрихоҳлари манфаатлари йўлида ташаббускорроқ, қатъиятлироқ бўлиши партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади. Бошланғич партия ташкилотлари орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига турли масалаларни қўйиш ва бажарилишини талаб этиш имкониятидан ҳам етарли фойдаланмаяпмиз. Бу йўналишда бошланғич ташкилотлар томонидан амалий ишларни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маъмур ТОЖИБОЕВ, бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Мафкуравий ишларимизни янада кучайтириш зарур. Электоратимиз ва ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларнинг замонавий усулларини қўллаш кўпроқ самара беради. Шу муносабат билан Жамоатчилик қабулхоналари, Ахборот-ресурс марказларини бевосита йирик бошланғич партия ташкилотларида ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Кўриб турганингиздек, таклифлар, тушаббуслар турлича. Бир нарса кишини қувонтиради: партиядошларимиз теварак атрофда кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмас, уларни шу ишларга бевосита ёки билвосита дахлдорлик ҳисси сўзга чиқишга, таклифлар айтишга, фаолликка ундаяпти.

Шу ўринда таклифларнинг бирига тўхталиб ўтсак. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи фаолиятида қатъиятлилик, ташаббускорликни кучайтириш ҳақидаги таклиф гуруҳ аъзолари иштирокида кўриб чиқилди ва у тўғри деб тан олинди. Гуруҳ ишини ташкил қилиш, депутатлар фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан амалий ишлар режаси белгилаб олинди. Қайсидир маънода таклиф туртки бўлдими, ҳартугул депутатлар гуруҳи ишида ижобий ўзгариш кўзга ташланаётир.

Одатда, ташаббус сўнган жойда иш ҳам суст бўлади. Айтайлик, ён-атрофимизда ижтимоий йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишга халал бераётган камчиликлар кўзга ташланиб турибди. Борди-ю, бу камчиликларни, уларнинг сабабларини рўйрост айтмасак, кимдандир истиҳола қилсак, ҳайиқсак, оқибати нима бўлади? Бир камчилик иккинчисини етаклаб келмайдими?

Бугун партиямиз учун қуйидан бўладиган аниқ таклифлар, ташаббуслар сув билан ҳаводай зарур. Шуни унутмайликки, улар маълум масалалар юзасидан партия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилади. Шундай экан, чекка бир қишлоқда яшаб, меҳнат қилаётган партиянинг оддий бир аъзоси айтган кичкинагина таклиф ҳам эътибордан четда қолмаслиги муҳим. Айтилган ҳар қандай фикр, ўртага ташланган ташаббус аввало партиянинг қуйи бўғинида қўллаб-қувватланса, уларнинг ҳеч бири изсиз қолиб кетмайди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

2008 йилнинг 9 ойида профицит билан ижро этилди

Президентимиз шу йил 8 февралда ҳукумат мажлисида 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берган эди. Унга асосан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 9 ойида мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик, изчил ривожланишга эришилди.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9% профицит билан ижро этилди. Ялпи ички маҳсулот 9,4, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 12,4, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш 4,1, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 18,4, хизматлар ҳажми 18,5 фоиз ўсди. Экспортнинг 62,9% га кўпайгани ташқи савдо айланмаси ҳам юқори суръатлар билан ўсаётганини кўрсатмоқда.

Иқтисодиётда таркибий қайта ўзгартишлар, энг муҳим тармоқларни модернизация қилиш ва технологик янгилаш давом эттирилмоқда. Аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес, хизматлар ва сервис соҳаси, касаначилик янада ривожланмоқда. Маълумотларга кўра, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларига жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 43,3% кўп маблағ ажратилган.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама этилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Ботир Дадабоев маъруза қилди.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш жараёнлари изчил давом этаяпти. Фуқаролик жамияти институтлари адолатли жамият барпо этиш, демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Шу сабабли нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди ва янада такомиллашиб бораяпти.

Маълумки, Олий Мажлис палаталари Кенгашлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси тузиш тўғрисида қўшма қарор қабул қилган эди. Бу эса мазкур йўналишдаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Хусусан, 2007 йил 3 январда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда ижтимоий буюртма тушунчаси ва амалдаги ушбу тартиб ўртасида маълум тафовут сақланиб келмоқда. Шу боис ушбу қонуннинг «Давлат ижтимоий буюртмаси» деб номланган 14-моддасига тегишли ўзгартиш киритиш таклиф қилинмоқда.

Фракция шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди. Мазкур лойиҳа юзасидан депутат Иззатулло Толибов сўзга чиқди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча қонун лойиҳалари юзасидан соҳа мутахассислари, экспертларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ва маърузалари тингланиб, фракциянинг нуқтаи назари шакллантирилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Иқтисодиёт ва ислоҳот

ИМТИЁЗЛИ МАБЛАҒЛАР – БАРҚАРОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар банк тизимида иқтисодиётнинг реал секторини тубдан тараққий эттиришга йўналтирилмоқда. Ушбу жараёнда акциядорлик тижорат «Пахта банк» Тошкент вилояти бошқармаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, филиаллар тармоғини кўпайтириш, банкни капиталлаштиришга эътиборни кучайтириш орқали банк бизнес режаси кўрсаткичларини тўлиқ бажарилишига эришилмоқда.

Мижозларга кўрсатилаётган хизматлар тури ва сифати ошиб бораётганлиги сабабли уларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига мижозлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 309 нафарга кўпайиб, 14445 тани ташкил этди. Шундан 9162 таси фермер ва деҳқон хўжаликларидир. Мижозлар базасининг ортганлиги банкнинг мамлакатимизда ривожланиб, қарор топаётган бозор муносабатлари билан узвий равишда барқарор ривожланаётганидан далолат беради. Ҳозирги кунда акциядорлик тижорат «Пахта банк» Тошкент вилояти бошқармасининг 12 та филиали ва 57 та мини банки жойларда фаолият кўрсатмоқда.

Банкнинг белгилаб олинган ўз стратегик режасига асосан амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ўтган вақт давомида банк капитали 3 млрд. 540,5 млн. сўмга кўпайиб, 2008 йил 1 октябрь ҳолатига 10 млрд. 525,3 млн. сўмни ташкил этди. Жами активлари эса 93 млрд. 543,6 млн. сўмдан иборат бўлди. Даромад келтирувчи активлар 81 млрд.128,9 млн. сўмни ёки жами активлардаги салмоғи 86,7 фоизни ташкил этди. Банкнинг ссуда активлари 70 млрд. 451,8 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 млрд. 538,2 млн. сўмга ёки 21,7 фоизга ўсди.

Жорий йил давомида иқтисодиётнинг турли соҳаларига 57 млрд. 643,0 млн. сўм банк ресурслари жойлаштирилди.

Ўтган давр мобайнида банк филиаллари томонидан биргина қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 14 млрд. 872,6 млн. сўм миқдорида ажратилган кредитлар ҳисобидан 67 та қишлоқ хўжалик техникалари, жумладан, 11 дона «Class Dominator» дон ўриш комбайнлари, 58 дона ҳайдов, чопиқ ва транспорт тракторлари, 4 дона сув чиқариш насоси ва 14 дона бошқа турдаги ерга ишлов берувчи қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинган. Шунингдек, жорий йилда чорва моллари сотиб олишга 2 млрд. 265,5 млн. сўм, уруғлик картошка сотиб олишга 525,3 млн. сўм, «Давсувмахсуспудрат» ташкилотларига 333,9 млн. сўм, қишлоқ хўжалик техникаларига эҳтиёт қисмлар сотиб олишга 1 млрд. 702,2 млн. сўм, бошқа қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ харажатлар учун 1 млрд. 317,0 млн. сўмлик кредит ажратилди.

Жорий йилда банк томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида истеъмол кредитлари миқдорини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни жонлантиришда алоҳида аҳамият касб этди. 2008 йил 1 октябрь ҳолатига истеъмол кредитларининг миқдори 2554,3 млн. сўмни ташкил этиб, жорий йил давомида 976,3 млн. сўмлик истеъмол кредитлари, шу жумладан, ёш оилаларга 527,1 млн. сўм ажратилди. 2008 йил давомида ёш оилаларга ажратилган ипотека кредитлари миқдори 385,9 млн. сўмни ташкил этди.

Аҳоли учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологияларни сотиб олишни, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳамда улар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобига нақд пул тушумларини кўпайтиришни таъминлаш мақсадида 2008 йил 1 октябрь ҳолатига кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар миқдори 6 млрд. 628,7 млн. сўмни ташкил этди. Мазкур кредит қуйилмаларнинг 4 млрд. 244,1 млн. сўми ёки 64,0 фоизи янги фаолият бошлаган хўжалик субъектларига ва тадбиркорларга ажратилган имтиёзли микрокредитлардир. Биргина жорий йилнинг 9 ойи давомида бу соҳага, яъни чорвачилик, маиший хизмат, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларига 1 млрд. 606,8 млн. сўм кредитлар ажратилиб, шулардан 1 млрд. 244,1 млн. сўми банкнинг ўз имтиёзли маблағлари ҳисобидан, 362,8 млн. сўми бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан имтиёзли фоиз ставкалари асосида берилди. Тошкент вилоятида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига 1360 дан ортиқ янги ишчи ўринлари ташкил этилди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортди. 551 та кам таъминланган оилага соғин сигирлар сотиб олиш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 459,8 млн. сўм ва иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 169,0 млн. сўм кредитлар ажратилди.

2008 йил давомида аҳоли бандлигини таъминлаш учун мақсадли дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштиришга, маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, чет эл техника ва технологияларини сотиб олган фермер ва деҳқон хўжаликларига, кичик бизнес субъектларига ҳудудий банк филиаллари томонидан 6 млрд. 910,0 млн. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилиб, бугунги кунда ушбу маблағларнинг 6 млрд. 874,1 млн. сўми ўзлаштирилди. Мисол учун, «Апитекс» масъулияти чекланган жамиятига тикувчилик дастгоҳлари ва ип-калавалар сотиб олишга, «Нурбек Исроилов» фермер хўжалигига сутни қайта ишлаш ускуналари сотиб олишга, Бекобод туманидаги «Агростройинвест» масъулияти чекланган жамиятига асбестцементли шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида XSW-Z40 технологиясини сотиб олишга, Юқори Чирчиқ туманидаги «Источник изобилия» масъулияти чекланган жамиятига елим идиш ва капсулалар ишлаб чиқариш учун полипропилен хомашёсини сотиб олиб, DY 2500, DY 200, DY 800 маркали термопластавтомат ишлаб чиқариш технологиялари асосида импорт ўрнини босувчи турли хилдаги пластмасса жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ва Паркент туманидаги «Паркент» масъулияти чекланган жамиятига ишчи кийимлари ва қўлқоплар ишлаб чиқариш мақсадида йиғирилган ип хомашёси ва тикув дастгоҳлари сотиб олиш учун ажратилган кредитлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга йил якунига қадар филиалларда 846,8 млн. сўмлик инвестицион лойиҳаларни кредитлашга маблағлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Нақд пул муомаласини яхшилаш, банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида бошқарма томонидан аҳолига пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш тобора кенгайиб бормоқда.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятдаги аҳоли, бюджет ва бюджетдан ташқари ташкилотлари ҳодимларига 57361 дона пластик карточкалар тарқатилди. Пластик карточкалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12462 донага кўпайган. Пластик карточкаларга жорий йил 9 ойи давомида 13 млрд. 140,0 млн. сўм ўтказилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 млрд. 135,0 млн. сўмга ошди.

Ҳозирда вилоят туманлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарига 243 дона терминал ўрнатилган бўлиб, ушбу терминаллар орқали 5 млрд. сўмдан ортиқ савдо ҳисоб-китоблари амалга оширилди.

Вилоят бошқармаси бўлимлари бўйича ташвиқот-тарғибот ва реклама ишлари ташкил этилиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағлари жалб қилинмоқда. Банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — бу аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиб, муддатли ва жамғарма депозитларини ўстириш йўли билан ўз ресурс базасини мустаҳкамлашдир.

Аҳолига кўрсатилаётган қулай ва манфаатли банк хизмат турларини янада такомиллаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни кенгайтириш мақсадида АТ «Пахта банк» бошқаруви томонидан жорий йилда янги «Оқ олтин», «Пахтакор», «Фаровонлик», «Барака», «Саховат», «Ҳосил-2008» номли мижозлар учун қулай бўлган фоизларда (йиллик 16 фоиздан 18 фоизгача белгиланган) муддатли омонат турлари жорий қилинди.

Амалда бўлган 19 дан ошиқ омонат турларига аҳолининг бўш пул маблағлари қабул қилиниб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 8 млрд. 881,2 млн. сўмни ташкил этди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 млрд. 242,1 млн. сўмга ёки 57,5 фоизга ўсди.

АТ «Пахта банк» Тошкент вилояти бошқармаси доимий равишда ўз ресурс базасини янада мустаҳкамлаб бориб, активлар салмоғини оширган ҳолда уларни самарали жойлаштиришни янада кенгайтириш йўлидан бормоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хоразм вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамкорлигида «Талабалик толеимдир» деб номланган тадбир ўтказилди. Унда Урганч давлат университети ва касб-ҳунар коллежлари талаба-ўқувчилари, устоз-мураббийлари иштирок этди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимова, Урганч давлат университети проректори Икром Давлетов ва Хоразм вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров мамлакатимиз ёшларига ўз иқтидорларини намоён этиш учун кўрсатилаётган ғамхўрлик, барпо этилаётган замонавий ўқув масканлари тўғрисида батафсил тўхталдилар.

Талабалар учун турли мавзуларда беллашувлар, викториналар ташкил қилинди. Ғолиб жамоа аъзолари, талаба ва ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Касби туман кенгаши «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари, туман хотин-қизлар қўмитаси, Марказий шифохона маъмурияти ҳамкорлигида ҳамширалар ўртасида «Касбим-фахрим» кўрик-танлови ўтказилди. Унда ҳамшира қизларнинг ўз соҳаси бўйича билимлари, орасталик ва пазандалик, муомала маданияти, қобилияти намойиш этилди. Тез тиббий ёрдам бўлими ҳамшираси Лобар Қодирова биринчи, Болалар шифохонаси ҳамшираси Озода Омонова иккинчи, Касби қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Ресолат Қурбонова учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар туман партия кенгаши ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Тадбир сўнгида партия сафига қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Янгийўл шаҳар кенгаши ташаббуси билан Технология касб-ҳунар коллежида «Мустақиллик даври талабалари» мавзуида бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ артистлари Рихси Иброҳимова, Толиб Каримов, Тошкент давлат юридик институти доценти Улуғбек Ҳотамов ва бошқалар талабалар билан дилдан мулоқот қилдилар.

Чортоқ туман партия кенгаши томонидан Болалар сиҳатгоҳида «Эл соғлиғини ўйлаганлар» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда тумандаги марказий шифохона, сиҳатгоҳ ҳамширалари ва партия фаоллари иштирок этдилар. Сиҳатгоҳ бошлиғи партия ташкилоти раиси Ҳ.Боймирзаева ва бошқа бир гуруҳ фаоллар ЎзХДП вилоят кенгашининг фахрий ёрлиғи, туман кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати


Қарши шаҳридаги «Давр» темир-бетон сервис масъулияти чекланган жамиятида тўқсон турдан ортиқ темир-бетон буюмларини ишлаб чиқармоқда. Турар-жой бинолари қурилишида ишлатиладиган темир-бетон плиталар, лотоклар, канализация буюмлари, кўприклар учун қисмлар ва бошқа маҳсулотларга буюртмачилар сони кун сайин ошиб бормоқда.

Ш.ШАРАПОВ (ЎзА) олган суратлар

Суратларда: корхонанинг тайёр маҳсулотлари; чилангар Ҳотам Маманазаров.

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон. Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

XORIJDA

РЕЖАДАН ВОЗ КЕЧИШ ИМКОНИЯТИ

Россия президенти Дмитрий Медведев Американи янги сайланган президенти Барак Обаманинг Шарқий Европада ракетадан мудофаа элементларини жойлаштириш масаласи юзасидан тутган позициясини маъқуллади, деб хабар қилади «Новости» РАА. Перу пойтахтида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги мамлакатлари етакчиларининг саммити тугаганидан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Медведев АҚШ янги маъмуриятини ракетадан мудофаа тизимини жойлаштириш режасидан воз кечишига ишонтириш имконияти борлигини таъкидлаган.

Медведев фикрича, Обама вакиллари Польша президенти Лех Качиньскийнинг Америка ракетадан мудофаа тизимини жойлаштириш дастурини Вашингтон қўллаб-қувватлаши тўғрисидаги баёнотини рад этганлиги ҳам америкалик ҳамкорлар ушбу муаммо юзасидан бош қотираётганлигини кўрсатмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 8 ноябрь куни Обама билан телефон орқали суҳбатдан сўнг Лех Качиньский АҚШ сайланган президенти Жорж Буш маъмуриятининг Польшада ракетадан мудофаа тизимини жойлаштириш бўйича режаларидан воз кечиш ниятида эмас, деган гапни айтганди. Бироқ шундан сўнг тез орада Обама ёрдамчиларидан бири мазкур ахборотни расмий тарзда рад этди. Шуни айтиш керакки, ўзининг сайловолди кампанияси чоғида Обама агар ракетадан мудофаа тизимини жойлаштириш зарурати ва самарадорлиги исботлангундек бўлса, унда мазкур дастурни қўллаб-қувватлашини билдирганди.

СУПЕР КОМПЬЮТЕР ЯРАТИЛДИ

АҚШда дунёдаги энг кучли суперкомпьютер яратилди. «Jaguar» номли мазкур компьютернинг қуввати 1,64 петафлопга тенг. Шу кунга қадар 1,026 петафлоп қувватга эга «IBM Roadrunner» энг кучли компьютер саналиб келаётган эди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, «Jaguar» қирқ беш минг AMD Opteron процессори ва уч юз олтмиш икки терабайтли тезкор хотирага эга. Хабарларга қараганда, янги компьютердан турли мураккаб тадқиқот ишларида, жумладан, иқлим ўзгаришларини кузатишда фойдаланиш режалаштирилган.

ФАЛАСТИННИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

«Фаластин озодлик ташкилоти» (ФОТ) Марказий Кенгаши томонидан ФАТХ партиясининг етакчиси Маҳмуд Аббос Фаластин давлатининг президенти этиб сайланган. AFPнинг хабар беришича, муқобилсиз сайловларда Аббос учун кенгашнинг 120 аъзосидан 119 таси овоз берган. 73 ёшлик Аббос 2004 йилдан бошлаб Фаластин мухториятининг амалдаги президенти ҳисобланади. Бироқ унинг ваколатлари келаси йилнинг 8 январида тугайди. Амалда ФОТ фақат Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги ҳудудни назорат этади, бу ерда Исроил қўшинлари мавжуд. Муқаддам ХАМАС партияси вакиллари Аббоснинг президентлик муддати тугаши биланоқ унинг ваколатларини буткул тан олмасликларини билдиришганди. Ўз навбатида Аббос агар ХАМАС ва ФАТХ ўртасида битим имзоланмайдиган бўлса, унда парламентни тарқатиб юбориб, янги парламент ва президент сайловлари ўтказилиши ҳақида декрет чиқаришини маълум қилганди. ХАМАС етакчиларининг сўзларига кўра, Аббос парламентни тарқатиб юбориш учун ҳеч қандай ваколатга эга эмас, зеро ундаги кўпчилик ўрин ХАМАС партиясига тегишли.

Маълумки, ноябрь ойида Қоҳирада икки партия ўртасида Фаластин ички можаросини бартараф этиш юзасидан музокаралар бўлиши лозим эди. Бироқ ХАМАС ўз партияси аъзоларининг ФАТХ тарафдорлари томонидан ҳибсга олинганлиги муносабати билан унда қатнашишдан воз кечди. ХАМАС ва ФАТХ партиялари ўртасидаги фаол қарама-қаршилик 2007 йил июнидан буён давом этиб келмоқда. Ўшанда ХАМАС куч ишлатиш йўли билан Ғазо минтақасидан ФАТХ вакилларини суриб чиқарганди. Фаластин президенти лавозими 1988 йилда Фаластин давлати эълон қилинганидан сўнг жорий этилган. Ёсир Арофат мамлакатнинг илк президенти бўлди. Ҳозир Фаластин давлати 96 мамлакат, шу жумладан, Россия томонидан ҳам эътироф этилган.

✓ Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

Бугун Самарқанд вилоятида 1216 та умумтаълим мактаби, махсус ихтисослашган иқтидорли мактаб, мактаб-интернат ҳамда Меҳрибонлик уйлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ўқув масканларидаги 643680 нафар ёшга 52698 нафар педагог-ходим таълим-тарбия бермоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Маҳмуд БОБОЁРОВ билан суҳбатимиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, «Ёшлар йили» Давлат дастури талабларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида.

Самарқанд шаҳридаги 14-мактабда мусиқа дарси.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

— Маҳмуд Ҳамидович, таълим жараёнида мамлакат миқёсида амалга оширилаётган ислоҳотлар вилоятда қандай ижобий натижалар бераяпти?

— Аввало, бу ислоҳотларнинг самараси ўқувчиларнинг билим савияси, эришаётган ютуқларида аниқ кўзга ташланади. Келинг, шу ўринда бир мисолга эътибор қаратайлик. 2007-2008 ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадаларининг вилоят босқичида ғолиб бўлган 10 нафар 11-синф ўқувчиси республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилди. Жамоа аъзоларидан 6 нафари (4 нафари халқ таълими ва 2 нафари ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларидан) ғолиб бўлиб, олий ўқув юртларига имтиёзли ўқишга кирди.

Иштихон туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактабнинг 10-синф ўқувчиси Беҳзод Дониёров эса кимё фани бўйича Тошкентда ўтказилган 42-халқаро Менделеев олимпиадасида бронза медали билан тақдирланди.

Шунингдек, ўқувчиларнинг давлат таълим стандартлари талаблари даражасида билим олишига эришиш, бу борада мактаб раҳбарлари, методист ва фан ўқитувчиларининг масъулиятини янада ошириш мақсадида 7 та фан бўйича мактабларнинг ўз жамоалари шакллантирилиб, иқтидорли битирувчи ўқувчиларнинг беллашуви ташкил этилди.

«Йилнинг энг яхши мактаби», «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» каби кўрик-танловлар эса намунали илм масканларини аниқлаш, умумтаълим фанлари бўйича ижодкор ўқитувчиларни кашф этиш ҳамда уларнинг тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

«Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби — Самарқанд туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби Бекобод шаҳрида ўтказилган республика босқичида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Жомбой туманидаги 7-мактабнинг «Иқтисодий билим асослари» фани ўқитувчиси Феруза Бекова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Самарқанд шаҳри (тарих), Тойлоқ (чизмачилик) ва Каттақўрғон (немис тили) туманлари вакиллари 3-ўринни қўлга киритишди.

Пайариқ туманидаги 72-мактабда адабиёт дарси.

— Сизнингча, таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омиллари нималарга боғлиқ?

— Таълим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бу — педагог-ходимларга узлуксиз методик хизмат кўрсатишни такомиллаштиришдан иборат. Шуни ҳисобга олган ҳолда, бугун вилоятимизда мазкур масалани янада яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Масалан, услубий кенгаш ва бирлашмалар фаолиятини жонлантириш, уларда ҳисобдорлик мажбурияти тизимини яратиш ва режали иш юритишни таъминладик.

Бугун шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари, вилоят таълим маркази, вилоят педагог-кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларида фан ойликлари ўтказилмоқда.

— Ихтисослаштирилган, фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган мактаблар фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бугун вилоятимиздаги 23 та ихтисослаштирилган мактабда 10450 нафар, 455 та мактабдаги айрим фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган 1180 синфга 33083 нафар иқтидорли ўқувчи қамраб олинган. Уларга ўқувчи ва ўқитувчилар танлов асосида қабул қилиниб, дарслар интерфаол усулда олиб борилади.

Кейинги йилларда вилоятдаги иқтидорли болалар мактаб-интернатлари фаолиятини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг натижаси ўлароқ, 2007-2008 ўқув йилидан Пастдарғом туманидаги 77-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати сифатида ўз фаолиятини бошлади. Шу кунларда Каттақўрғон ва Пахтачи туманларида ихтисослаштирилган мактаб-интернат очиш, Жомбойдаги 56-, Қўшработдаги 82-, Пастдарғомдаги 28-мактабларни ихтисослаштирилган мактаб-интернатга айлантириш устида иш олиб борилмоқда.

— Ўқувчиларимизни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш — кун тартибидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки жисмонан соғлом ва маънавияти юксак кишигина улкан ишлар қила олади...

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, уларни ёш авлод қалби ва онгига сингдириш бугун тарбиявий ишимизнинг асосини ташкил этади. Буни чуқур англаган ҳолда, аввало, мактабларда миллий ғоя асослари фанидан мутахассислиги философ, тарихчи, филолог бўлган тажрибали ўқитувчилар дарс беришмоқда.

Баркамол авлод тарбиясида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, маданий-маърифий тадбирлар, шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасаларида тўгаракларнинг тури ва сони кўпайтирилди. Натижада ўқувчиларнинг қамрови ҳам кенгайди. Агар 2006-2007 ўқув йилида тўгараклар сони 2490 та, улардаги ўқувчилар сони 61627 нафар бўлган бўлса, 2007-2008 ўқув йилида тўгараклар сони 2716 тани, ўқувчилар сони эса 66904 нафарни ташкил этди.

Маълумки, республикамизда 2008-2009 ўқув йили «Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили» деб эълон қилинди. Бу эса ўқитувчилар ўртасида ижодий муҳитни янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Ҳар бир таълим муассасасида ўқитувчиларнинг касб маҳоратини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилаётир. Бу эса, шубҳасиз, келажак авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишишида ўз самарасини беради.

Ойсанам ТЎРАҚУЛОВА, Мамадали ЖАЛИЛОВ суҳбатлашдилар.

✓ 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни

ЁШЛАР УЧУН ЎҚУВ МАРКАЗИ

Ўзбекистон ногиронлар жамияти Хоразм вилояти бўлими ҳузурида компьютер саводхонлиги ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида меҳнатга лаёқатли ногирон ёшлар бепул ўқитиладиган мазкур курсни 150 нафар йигит-қиз битириб чиқди.

Ўқув марказида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида истиқомат қилувчи касб-кор ўрганишга иштиёқманд ногирон ёшлар таҳсил олмоқда. Дарс машғулотлари уларнинг келиб-кетиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган.

— Ўқув курсларимизни битирган ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти Хоразм вилояти бўлимининг раиси Саида Қурбонова. — Айни пайтга қадар 115 нафардан ортиқ битирувчиларимиз жамиятимизнинг шаҳар ва туман бўлимларига, уяли алоқа, интернет ҳамда коммунал тўловларга пул ўтказиш шохобчаларига ишга жойлашди.

Бундай хайрли ишлар жисмоний имконияти чекланган ҳамюртларимизнинг оила ва жамиятда муносиб ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мен Янгибозор туманида истиқомат қиламан, — дейди иккинчи гуруҳ ногирони Райҳон Раҳимбоева. — Ўқув курсини тугаллагач, вилоят ногиронлар жамияти бўлимига компьютер оператори бўлиб ишга кирдим. Ҳукуматимизнинг, халқимизнинг, яқинларимизнинг меҳри ва эътиборини ҳис қилиб яшаш одамга куч-қувват ва қувонч бахш этади.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири.

✓ Болалар соғлиги — келажак бойлиги

ДАРДНИ ДАЪВОЛАШДАН КЎРА

олдини олиш осон

Ғузор тумани болалар шифохонасининг ҳовлиси кенг. Дарахт кўп. Ўриндиқларда беморларни кўргани келганлар ўтиришибди. Бирининг юзида ташвиш, бошқасида кўнгил тинчлигини уққандай бўламан. Фарзанди ёки набираси шифохонага тушиб қолса, ким ҳам тоқат қилиб ўтира оларди, дейсиз. Дарднинг келиши осон, кетиши қийин. Айниқса, бу ҳол гўдакларда бирмунча мураккаб кечади. Отаона, қариндош-уруғ, оиланинг ҳаловати бузилади. Ғузор шаҳрининг Чақар маҳалласида яшаётган олтмиш ёшли онахон Тошой Эшниёзова дейди:

— Нигора қизимнинг чақалоғи иситмалаб қолди. Эсим чиқиб кетди. Биринчи боласи. Ишқилиб, неварамнинг умри узоқ бўлсин-да...

Чақалоқнинг онаси Нигора Эшниёзова билан суҳбатлашдик. Қизчасининг аҳволи яхшилана бошлабди, у шифокорлардан ҳурсанд.

2007 йилнинг 22 октябрь куни эди. Касалхонага бир қизчани оғир аҳволда келтиришди. У нафас ололмас эди. Зудлик билан «Зудтар» сунъий нафас олдириш ускунасини улашди. Лабораторияда биохимик таҳлиллар тайёрланди. Норасида ўпка шамоллаши оқибатида ўткир зотилжамга чалинганди. Тун-кун шифокорлар тик оёқда туришди, бемор ўнглана бошлади...

— Тоққа меҳмондорчиликка бориб, болани шамоллатиб қўйишган, — дейди бўлим бошлиғи Абдурашид Йўлдошев. — Бола йўтала бошлаши билан шифокорга боришмаган, зотилжамга айланган. Аммо бола энди тузалиб кетади, олдини ололдик...

— Одамларнинг шундай тоифалари борки, бошида соғлиқ-саломатликка эътибор беришмайди, — суҳбатга қўшилди шу ердаги 20 ўринли чақалоқлар касаллиги бўлим бошлиғи Мусурмон Сафаров, — қачонки, касаллик бошланиб авжига чиққанда дўхтир эсларига тушади.

Бир мисол: оилада олдин уч қиз туғилган. Орзиқиб кутилган тўртинчи фарзанд — ўғил, аммо касалманд. Нега? Чунки онаси камқон. Тўғри, оила қуриш, шахсий гигиена, ирсият ҳақида кўп гапирилаяпти. Аммо унга амал қилинмаса, нима наф?

— Ҳамкасбимизнинг мулоҳазалари жўяли, — уни қувватлади шифохона бош врачи Хайрулла Йўлдошев. — Дардни даъволагандан олдини олган афзал. Шифохонамиз 60 ўринга мўлжалланган. Реанимация, ички касалликлар, 10 ўринли оналар, 14 ўринли ўсмирлар бўлимлари бор. «Шўртангазкимё» мажмуи раҳбариятига минг раҳмат. Биноларимизни яхшилаб таъмирлаб берди. Ўтган йили 2800 нафарга яқин бемор даволаниб кетди. 85 нафар шифокорларимиз беморлар хизматида...

Шифохонадан чиқаётиб, дарвоза ёнида мақоламиз бошида тилга олинган Нигоранинг онасини учратдик. У киши набирасига атаб кўзмунчоқ олиб келаётган экан. Кўз тегмасин, Илойим! — деди онахон дуога қўл очиб.

Онахоннинг дуосига қўшилдик. Аммо, бола соғлиғи аввало онага, тиббий маданиятимизга боғлиқлигини унутмаслик керак.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎРГАЗМАДА АЁЛ ТАЛҚИНИ

Шу кунларда Тошкентда Миллий кино фестивали ва «КиноВизА» Марказий Осиё визуал антропология форуми ўтказилмоқда. Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида мазкур форум доирасида «Ойжамол» номли кўргазма давом этмоқда.

Кўргазмага қўйилган Д.Розиқовнинг «Етти гўзал» мато аралаш техника ёрдамида ишланган асари, Т.Аҳмедовнинг «Бир минг иккинчи кеча», З.Шарипованинг «Бомдод» сингари санъат асарларида аёл мавзуига теран нигоҳ билан назар солингани томашабинларда катта таассурот қолдирди.

Айтиш жоизки, мазкур кўргазмада мавзунинг кенглиги ҳисобга олинган ҳолда, рассомлар ўз эътиборини Аёл замонавий дунёда: ижтимоий портретлар, Шарқ аёли: муқаддасликдан муқаддасликкача, Аёл ёлғизлигининг фалсафий кесими, Эркак ва аёл: мавзунинг лирик-романтик тамойиллари, Шарқ фалсафасида муҳаббат талқини — суфийлик таълимотдан то дунёвий ҳис-туйғуларгача аспектларга қаратган.

(Ўз мухбиримиз)

✓ Футбол

«БУНЁДКОР» — ЧЕМПИОН!

Ўзбекистон XVII миллий чемпионатида Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси олтин медалларга сазовор бўлди, «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» (Фарғона) футболчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди

Якшанба куни ўтказилган 30-тур баҳслари билан олий лига жамоалари мавсумга якун ясашди. Чемпионат ғолиб ва совриндорлари номи бундан бир неча тур илгари аниқланганлиги туфайли асосий эътибор мусобақа жадвалининг ўртасида бораётган жамоалар учрашувига қаратилди. Жумладан, «Насаф» (Қарши) футболчилари олдинги турда ўз майдонида Тошкентнинг «Локомотив» жамоасини кичик ҳисобда (1:0) мағлубиятга учратган ва жадвалнинг саккизинчи поғонасига кўтарилишганди. Аммо қаршиликлар сўнгги турда Самарқандда динамочиларга йирик ҳисобда ютқазиб қўйди — 3:0. Ўз майдонида чемпионат аутсайдерларидан бири «Бухоро» жамоасини (4:1) доғда қолдирган пойтахт темирйўлчилари мавсумни саккизинчи ўрин билан якунлашди.

Қолган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» — ОТМК — 0:0, «Машъал» — «Қизилқум» — 3:1, «Нефтчи» — «Пахтакор» — 1:0, «Навбаҳор» — «Бунёдкор» —1:1, «Металлург» — «Андижон» — 1:0, ЎзДонгЖу — «Сўғдиёна» — 2:2.

Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида ярим финалгача етиб борган бунёдкорчилар амалда миллий чемпионат ғолиблигига муносиб эканликларини исботлашди.

Бу йилги мавсумдан бошлаб мамлакатимизда Профессионал футбол лигаси фаолияти йўлга қўйилди. Жамоалар ўртасида рақобат ошди, ҳар бир очко учун кескин кураш борди. Мавсум давомида «Металлург» (Бекобод), ОТМК (Олмалиқ), «Нефтчи», «Машъал» жамоаларини ҳисобга олмаганда, бошқа футбол клубларида бош мураббийлар истеъфога чиқди. «Насаф», ЎзДонгЖу, «Бухоро» жамоаларида бир неча маротаба мутахассислар алмаштирилган бўлса-да, якунда барибир вазият ўзгармаганлигини таъкидлаш лозим.

Охирги йилларда олий лигани сўнгги ўринда тарк этаётган жамоалар ҳатто бирорта ҳам ғалаба нашидасини сура олмай келаётганди. Бу гал кучлилар сафида илк маротаба омадини синаб кўрган ЎзДонгЖу футболчилари охирги ўринни эгаллаган бўлса-да, бунга чек қўйишди. Олий лигани тарк этган андижонликлар икки бор рақибларини мағлубиятга учратдилар.

Мавсум давомида ўз мухлисларини ранжитган «Бухоро» футболчилари энди ўз омадларини қўйи лигада синаб кўришади.

Ўз навбатида олий лигани тарк этган «Бухоро» ва ЎзДонгЖу жамоалари ўрнини Ўзбекистон биринчилигида барча рақибларини ортда қолдирган «Хоразм» (Урганч) ҳамда «Дўстлик-2008» (Жиззах) футболчилари эгаллайди.

Эркин ХОЛБОБО

	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Бунёдкор»	25	4	1	75-13	79
2. «Пахтакор»	23	5	2	64-14	74
3. «Нефтчи»	18	6	6	42-25	60
4. «Машъал»	15	7	8	38-26	52
5. «Андижон»	13	7	10	35-28	46
6. «Динамо»	12	6	12	40-39	42
7. «Металлург»	12	6	12	28-34	42
8. «Локомотив»	11	4	15	41-38	37
9. «Насаф»	10	5	15	28-36	35
10. «Шўртан»	9	6	15	22-44	33
11. ОТМК	8	9	13	29-34	33
12. «Сўғдиёна»	8	9	13	32-48	33
13. «Қизилқум»	9	5	16	27-44	32
14. «Навбаҳор»	7	11	12	29-39	32
15. «Бухоро»	7	5	18	25-44	26
16. ЎзДонгЖу	2	7	21	17-65	13

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ургут туман Кенгаши раиси

Нормаҳмат МУРОДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat'yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7955 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.45
Topshirilgan vaqti — 23.30
7
Sotuvda erkin narxda